

САЛИМЖОН ҲАМРОҚУЛОВ

СЕҲРЛИ ҚАЛАМ
СОҲИБИ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2012

УДК: 821.512.133(092) Тўхтабоев

КБК: 83.3(5Ў)

Ҷ-25

Ҳамроқулов, Салимжон

Сеҳрли қалам соҳиби / С.Ҳамроқулов; масъул муҳаррир:
М.Исомудинова. –Т.: Янги аср авлоди, 2012. – 196 б.

ISBN 978-9943-08-921-1

Ушбу китоб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг ҳаёти ва ижодига бағишланиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган, жумладан, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, адабиёт ўқитувчилари, олий ўқув юртларининг филология факультетлари ўқитувчи ва талабаларига тавсия этилади.

Китоб адибнинг 80 йиллик юбилеи арафасида чоп этилмоқда.

УДК: 821.512.133(092)

КБК: 83.3(5Ў)

Тақризчилар:

Умарали НОРМАТОВ –
филология фанлари доктори, профессор.
Абдуғафур РАСУЛОВ –
филология фанлари доктори, профессор.

Ҳомийлар:

Ўзбекистон, Бешариқ, Фурқат, Данғара,
Боғдод туманлари ва Қўқон шаҳар ҳокимлиги,
Фарғона вилояти Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси.

Масъул муҳаррир:

Мунира ИСОМИДДИНОВА

ISBN 978-9943-08-921-1

© Салимжон Ҳамроқулов, «Сеҳрли қалам соҳиби». «Янги аср авлоди», 2012 йил.

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Аввало, шундай масъулиятли ишга қўл урганим учун узр сўрамоқчиман.

Дунё болалари китобларини севиб ўқиётган ёзувчи, юртдошим Худойберди Тўхтабоев ҳақида сўз айтишга узоқ иккиландим. Шунингдек, миллатимнинг буюк инсонлари бўлган Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Пиримқул Қодировларнинг ўчмас руҳи мени қўллаб-қувватлаб туришига ишонч ҳосил қилганим учун ҳам «Бисмилло» деб ёзишга қўл урдим. Айтишим керак, Худойберди устоз ҳақида улкан адабиётшунос олимлар, Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги Матёқуб Қўшжонов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчи Саид Аҳмад, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расулов, филология фанлари доктори, профессор, мунаққид Умарали Норматов, адабиётшунос олим, таржимон Иброҳим Гафуров сингари ўнлаб улкан адабиётшунос олимлар ўз вақтида бир-биридан қимматли, бир-биридан мазмунли фикрлар айтишиб, ёзувчининг китобларидаги фазилатларни такрор ва такрор кўрсатиб ўтганлар. Китобимни ана шу олимларнинг фикрларидан, бир-биридан чиройли айтган гапларидан фойдаланиб ва устоз ёзувчини ровий қилиб тилидан ва дилидан ёзсам деган гоё келди.

Ушбу китобга қўл уришимга туртки бўлган, ёзувчилар тили билан айтганда, қалбимга илҳом солган гўзал ҳолатлар кўп эди.

Мақтабни юқори синфларида ўқиб юрган пайтларимда туман, вилоят газеталарининг штатсиз мухбири сифатида танилдим. А.П Чехов, А. Қаҳҳор ҳикоя-

лари, Х. Тўхтабоевни ҳикоя ва фельетонларини севиб ўқидим, уларга тақлид қилиб ёзиб ҳам турдим.

Мен ёзувчи Худойберди Тўхтабоев билан биринчи мартаба 1964 йили танишган эдим. У пайтда Худойберди ака Совет Ўзбекистони газетасини фельетончиси, машҳур журналист сифатида танилган, кетма-кет бир-биридан қизиқ ҳикоялари чоп этилиб турган пайтлари эди. Мен ўрта мактабни битириб Миллий Университетнинг журналистика факультетига ҳужжат топширгани Тошкентга борган эдим. Факультетни кундузги бўлими йўқ бўлиб, кечкисига ҳужжатларимни қабул қилишмади. Раҳматли дадам қаттиқ қайғуриб «Эҳтимол бирор йўли бордир» деб ёрдам сўраш ва маслаҳатларини олиш учун эски ҳамкасби бўлган Худойберди Тўхтабоев ҳузурига етаклаб келди. У киши бизни яхши қабул қилди, дарду ҳасратларимизни тинглаб:

– Энди, укажон, журналист, ёзувчи бўлишлик учун журналистика факультетни битириш шарт эмас, инсонни ўзига боғлиқ. Чехов шифокор эди, ажойиб ёзувчи бўлиб танилди, Чустий домла сотувчи эди, Чархий домла эса бирорта институтни битирмаган, улар ажойиб шеърлар ёзди. Қўлингиздаги жомадонингизни катталигига қараганда анча мунча нарсалар ёзиб қўйибсиз, мен ҳам журналист эмасман.

Устоз маслаҳати билан бошқа институтга ўқишга кирдим. Ўша йиллардан буён мен қайси лавозимларда ишлашимдан қатти назар журналистик фаолиятимни тўхтатмадим, ёзувчиликка бўлган интилишим мени тарк этмади.

Аммо устоз Худойберди ака ўша куни ҳаётимнинг мазмуни бўлган йўл-йўриқларни кўрсатди, китобларини беҳад севиб ўқиганим учунми «Севган ёзувчим, устозим ҳақида икки оғиз сўз айтиш бахти насиб этсин» дея ният қилдим. Мен орзу қилган шароит энди келганга ўхшайди.

Ушбу китобга қўл уришга туртки бўлган, қалбимга илҳом солган, чиройли ҳолатлардан яна бирини эслагим келяпти.

Умарали Норматов, Абдуғафур Расуловлар таҳлили ва тақризи остида чиққан «Дунёга танилган адиб» номили китобини қайта-қайта ўқиб чиқдим, ўқиганда ҳам севиб, муҳаббат билан ўқидим. Бу китобга мамлакатимиздан ва дунёдаги бошқа мамлакатлардаги адабиёт ишқибозлари, адабиётшуносларининг бир-бирини тасдиқлайдиган фикрлари жамланган. Бу китоблар ҳозир айтганимдек назарий жанр қонун-қоидаларига бой китоб бўлиб кам нусхада, нари борса, нодир китобхонлар ва адабиётчилар қўлига бориб етади, холос. Ваҳоланки, ҳозир Республикамизда минглаб ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, кам миқдорда чиқарилган ушбу китоб ҳаммага ҳам етмайди. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб устозлар жамлаган фойдали фикрларни, назарий мулоҳазаларини сеvimли ёзувчимиз ҳақида айтилган бир-биридан чиройли гапларни яна бир китобга жамлаб, асосан мактаб ва коллежлар ўқувчиларига мослаб ёзсам қандай бўларкан, деб ўйладим. Китобхонлар ёзувчимиз китобларини севиб ўқийди. Лекин асарлари қандай шароитда яратилганини, қандай изланишлар оқибатида ёзилганлигини билишмайди-ку...

Юқорида айтган мулоҳазаларим иккиланишимга чек қўйди-ю, ушбу китобни ёзишга қўл урдим.

Турган гап китобимни камчилиги кўп, дунёга чиққан яхшигина танилган сеvimли ёзувчимиз ҳақида ҳар хил мукамал китоблар кўплаб ёзилади, деган умиддаман. Ўшалар қаторида менинг ушбу китобим ҳам уларнинг асарлари ёнидан ўрин олса – устоз олдидаги қарзимнинг озгинасини узган бўлардим.

ЯЙПАН ВА ТАГОБ ҲАҚИДА РИВОЯТ ВА ҲАҚИҚАТЛАР

Худойберди Тўхтабоевни ҳаёти ва ижодига таъриф беришдан аввал Ўзбекистон тумани маркази Яйпан ва адиб таваллуд топган Тағоб қишлоғи ва уларни келиб чиқиши ҳақида айрим ҳақиқат ва ривоятларга тўхталиб ўтмоқчиман. Ушбу маълумотлар каминанинг, яъни муаллифнинг «Яйпан: кеча ва бугун», «Яйпан: ҳаёт ва тақдир», «Яйпан: спортимиз ифтихорлари» китобларидан олинган.

«Яйпан» сўзи хитой манбаларида «жўшқин дарё» маъносини англатиб, яйпанлар уруғи Хун, Ашина қабиласи авлодига мансуб бўлиб, Қанқия давлати инқирозга учрагандан сўнг Яйпан давлати ташкил топади. Хитой маълумотларида Яйпан пошшолик номи бўлиб, V асрнинг биринчи ярмида (тахминан 435-485 йиллар) шарқий Туркистоннинг Торим дарёсидан Балхаш кўлигача бўлган ҳудудга эгалик қилган. Аҳолиси 200000 дан ошиқ бўлган. Тахминан элик йилдан сўнг Яйпан давлати негизида Эфталитлар давлати ташкил топади ва Яйпан давлати улар ичига қўшилиб кетади. Ушбу маълумот Арманистон тарихчиларида ҳам ўз тасдиғини топган.

Яйпан (Хитойда – Юэпань, Юэбань) қадимда топоним сифатида аталиб, этноним сифатида Фарғона вилояти ҳудудида ташкил топган.

Хитой маълумотларига кўра, Яйпанлар тили ва урф-одатлари Туркистондаги Қанғли билан бир хил бўлган.

Ҳозирда Тағоб Яйпан шаҳарини ғарбий қисмида 6 километр масофада бўлиб, Тағоб сўзи бир қарашда туркий-форсий сўзга ўхшаб «таги сув» маъносини бергандек бўлади. Ҳақиқатан ҳам Қатарон тоғи этакларига жойлашган қишлоқдан қиш ойларида айрим аҳоли уйларида пастқам ерларидан сув чиқиб кетган.

Аммо ривоятларга қараганда, Конибодом – Хўжанд оралигининг тепа қисмида, тоғлар орасидаги Тағоб қишлоғидан тузилган сипоҳлар хон ноиблари топшириғига асосан Қўқон хонлигига келаётган пайтида йўлда душман сипоҳларини учратиб қолиб, ғанимларни ўлдиради. Бу воқеа хон қулоғига етиб келади. Хон уларни қабул қилиб, миннатдорчилик билдиради ва ўзлари танлаган ердан чек беришини билдиради. Қариндош-уруғлари билан ёнма-ён танланган ерлар келгусида Катта Тағоб ва Кичик Тағоб номларини олади. Тағобликларнинг шеvasи Тошкент шеvasига ўхшаб кетади.

Адиб ўзининг қатор асарларида ушбу манзилларни тилга олиб ўтади, зеро, устознинг ҳаёти бу манзилларга боғлиқ бўлган.

Қуйидаги хотиралар муаллиф тилидан ҳикоя қилинади.

БОЛАЛИГИМ

Мени ҳужжатларим 1932 йил 17 декабрда Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Катта Тағоб қишлоғида туғилганлигимни кўрсатади. Отам ва бувимнинг айтишларича, мен 1931 йилни ўрик гуллаганда туғилган эканман. Ота томонидан бобом Қўқон хонлигини ўлпончиси, Тағоб ва Чорку (Исфара)да молу-мулклари кўп бўлган. Ўғли, яъни мени дадам Тўхтабой ҳам шу молу-мулклар ичида бўлган.

Қулоқ сифатида тўқ оилаларни Сибир, Украина ва бошқа ўлкаларга сургун қилиш авжига чиққан даврда 21 ёшли Тўхтабой 17 ёшли хотини Сорабиби билан қулоқ қилинувчилар рўйхатига тушиб, сургун қилишлик учун Қўқон шаҳрига ҳайдаб олиб келинади. Тўхтабой бойвачча миршабларни катталарига тилло бериш эвазига, қишлоқдан узоққа кетиш ва миршаблар кўзига кўринмаслик шарти билан қочиб, отасининг Чоркудаги мулкани юргизгани кетади. У ерда уч минг-

дан ошиқ қўй, уч юздан ошиқ байтал ва сара гиламлар тўқиш устахонасини юргизади. У ерларда ҳам қулоқ қилиш авжига чиқиб мулк эгалари текшируви бошланганда, яна Катта Тағобга қайтиб келишади.

Эс-эс биламан, ёш бола эдим, бешта милиционер уйимизга бостириб кириб дадамни ушлаб қидирувдаги қочоқ, – деб бири қўйиб бири ётқизиб роса тепкилади, дадамни оғзидан қон келди, ҳеч нарсани билмай ерда ётиб қолди ва шу ётганича ўрнидан турмасдан қаза қилди. Қидирувдан қочиб юрган пайтларида мен онам қорнида бўлиб, келгуси ҳаётимдаги қатъийлигим ва унинг акси қўрқоқлигим ўша даврдан шакланган бўлса, ажаб эмас.

Дадамни мазорга қўйиш баробарида ўша кечаси маҳалла оқсоқоллари онамни ўзидан 25 яшар катта бўлган кишига иккинчи хотин қилиб узатишган. Кейинчалик билсам шу иш қилинмаса, онам сургун қурбони бўлар экан. Оилам парокандаликка учраб мен она томонидан бобом Эркабой эликбоши ва онам Робия биби қўлида қолдим. Энам саводсиз бўлишига қарамай ҳар доим мени янги-янги эртақлар айтиб ухлатар эди:

*Мушкулкушод Нақш банди.
Ҳар ким айтар бир соат.
Дуо бўлар ижобат:
Ла илаҳа илла анта
Ла илаҳа илла анта...*

– Уйимизга отинбиблар тез-тез келишиб «Нурнома», «Чор дарвеш», «Қиссасул анбиё» ва Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари кўп ўқиладди. Айниқса:

*«Бисмиллоҳ деб баён айлаб ҳикмат айтиб,
Толибларга дурру гуҳар сочдим маъно
Риёзатни қаттиқ тортиб қонлар ютиб
Ман дафтари соний сўзин очдим маъно.*

Эртак ва ҳикматларни мен бувимнинг тиззасида ётиб ёд олардим. Ўн олти ёшимгача билимим асосан шу китоблар ва эртақлар доирасида шаклланган. Сўзга бўлган муҳаббатим, тарбиямни бувимнинг тиззасида, оғушида бошланган бўлса, ажаб эмас.

Бобомнинг қаттиққўллиги, оилада тартиб бўлишини ёқтириши, меҳнаткаш ва сахийлигини кўз олдига келтираман. Бобом рўзгорда ҳамма нарсанинг ўз ўрни бўлишини талаб қилар, барча асбоб-анжомларни, ҳаттоки, хўжалик пичоғининг ҳам ўз жойи бўлишини истарди.

Кечагидек эсимда, бобомнинг тешасини жойидан олиб бошқа ерга ташлаб қўйганимда қулоғимнинг «ўти»ни чиқариб, чўзгандилар. Кейинги сафар кучугимга уй қураман деб тешани боққа ташлаб келганимда, мени жазолаб устунга боғлаб қўйгандилар. Энажоним:

– Ҳой отаси, эсингиз борми, бола ўлиб қолади, деганларида, у киши:

– Ўлмайди, тартибга ўрганади, – дея мени кечгача устунга боғлиқ ҳолда туришимга сабабчи бўлган. Кеч бўлганда, бобом:

– Эсинг кирдими? – дея сўради. Оҳиста:

– Ҳа, – дедим.

Шундан кейин нимани қаердан олсам, ўша ерга қўядиган бўлдим.

Бобом ёлғон гапирганни ёқтирмасди. Бир куни ўйин билан овора бўлиб, молни яхши ўтлатмасдан келгандим. Шу куни бобом мендан:

– Молнинг қорни тўқми? – деди. Мен:

– Ҳа, – деганимдан сўнг бобом молхонага кириб кетди. Молхонада эса мол қорни оч. Шундан кейин бобом мени серўт жойга олиб бориб молнинг қорни тўйгунича боқишимни тайинлаб ташлаб келди. Ўшанда бобомни алдаганимга пушаймон бўлгандим. Шундан кейин ёлғон гапирмайдиган бўлганман.

Бобом боғ ташкил қилишни яхши кўрарди. Ўзларининг боғларига узоқ-яқиндан дараклаб сархил мева-ларнинг кўчатларини олиб келиб ўтказарди. Яхши кўчатларидан сўраганларга берарди, агарда кўчатлари қуриб қолганлигини эшитса, қаттиқ хафа бўларди. Агар китобхонларнинг қўлига етиб борган бўлса 2006 йилда чоп қилинган «Жаннати одамлар», «Эркачолнинг уруғи» эртақларим бобом Эркабойга бағишланган.

1947 йили Қўқон шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга кирдим.

Шаҳар ҳаёти қишлоқ ҳаётидан тубдан фарқ қилиб, кенг дунёга йўл кўрсатади. Педагогика билим юртида Чустий, Муқимий, Фурқатни ўқий бошладим. Ўша даврда «Ўзбекистон шеърляти анталогияси» чиққан бўлиб, ундаги икки юздан ошиқ шеърни ёд олдим ва руҳиятимдаги ўзим сезмаган чанқоқлик шеърлар билан қондирилган бўлса, ажаб эмас. Ўзим ҳам шеър ёза бошладим, шеърларим асосан қишлоқ ҳаётига, сувчи, пахтакорлар ва чорвадорларга ва 12 ёшида вафот этган синглимга аталган бўлар эди. Битта шеърим билим юрти гимнига айланди. Кутилмаганда қалбимга муҳаббат кириб келди. Қаердан кириб келди бу? Мен 3 курс талабаси эдим, адабиёт домламит Музаффаров ўзини ўрнига биринчи курс талабаларига дарсга кирита бошлади, сўнгра иккинчи, ҳатто ўзимизни учинчи курс талабаларига ҳам адабиёт фанидан домла ўрнига дарсга кира бошладим.

Табиийки, ўзингиздан кичик курсдаги қизларга кўзингиз тушади. Шунда қалбимда бир қизга нисбатан муҳаббат пайдо бўлди ва қалбимдан янги-янги севги шеърлари чиқиб ёзила бошлади. Бунинг қувончи ва изтироби ҳам бор эди. Изтироби шу эдики, қизни отаси севгилимни турмушга берди ва ҳаётимда биринчи бор аламдан юз грамм ароқ ичгандим.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2302> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2302> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2302>